


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2019 йил 8 февраль, № 27 (7257) Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

## ТРАНСПОРТ СОҲАСИДА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Сўнгги йилларда мамлакатимизда транспорт ва транспорт коммуникациялари соҳасини ривожлантириш, ташишларнинг юқори даражадаги хавфсизлигини таъминлаш, транспорт соҳасидаги бошқарув тизимини такомиллаштириш, соҳа учун малакали мутахассисларни тайёрлашга йўналтирилган кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилди.

Иқтисодиётни ривожлантиришнинг замонавий тенденциялари ва амалга оширилаётган ислоҳотлар республиканинг географик жойлашувини инобатга олган ҳолда транспорт хизматларининг сифатлилиги ва оммабоплигини таъминлашга йўналтирилган ягона транспорт сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш, соҳани бошқаришнинг замонавий технологиялари ва интеллектуал тизимларини жорий этишда алоҳида аҳамиятга эга эканлигини кўрсатмоқда.

Транспорт соҳасидаги давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш, республиканинг инвестициявий жозибадорлиги ва экспорт салоҳиятини ошириш, транспорт коммуникацияларини стратегик ривожлантириш ва барқарор фаолият кўрсатишини таъминлаш мақсадида, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларга мувофиқ:

1. Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлиги негизида **Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги** (кейинги ўринларда — Вазирлик) ташкил этилсин.

**(Давоми 2-бетда).**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТРАНСПОРТ ВАЗИРЛИГИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 февралдаги “Транспорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–5647-сонли Фармонига мувофиқ ва Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги фаолиятини самарали ташкил этишни таъминлаш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг ташкилий тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг бошқарув ходимлари чекланган сони 152 нафардан иборат бўлган марказий аппарати тузилмаси 2-иловага мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси Транспорт вазирлиги тузилмаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар транспорт бошқармаларининг намунавий тузилмаси 3 ва 3а-иловаларга мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳудудий бўлинмалари ва давлат бошқаруви органлари ходимларининг чекланган сони 4 ва 5-иловаларга мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси бошқарув ходимларининг чекланган сони 68 нафардан иборат тузилмаси 6-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси ҳудудий бошқармаларининг намунавий тузилмаси 7-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

**(Давоми 2-бетда).**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

## ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ВА ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ СОҲАСИДА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш самарадорлигини янада ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Миллий гвардияси ва Ички ишлар вазирлигининг Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида юридик кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича Тошкент давлат юридик университетининг **Ихтисослаштирилган филиалини** (кейинги ўринларда — Филиал) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Филиалнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

юриспруденция соҳасида базавий ва амалий касбий тайёргарликни таъминлашга қаратилган ўқув режалари ва дастурлари асосида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш;

назарий тайёргарликнинг ҳуқуқни қўллаш фаолияти билан узвий боғлиқлигини таъминлашга қаратилган замонавий шакл ва усуллар, ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда ўқув жараёнини таълим беришнинг модул тизими асосида ташкил этиш;

**(Давоми 2, 3-бетларда).**

# ИҚТИСОДИЁТ ДРАЙВЕРИ

## улкан имкониятларга йўл очади





*Юртимизда улкан ижобий ўзгаришлар рўй бермоқдаки, уларнинг миқёсини дарҳол қамраб олиш маҳол. Сабаби сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳалардаги чуқур ислоҳотлар кўлами кенг, суръати шиддатли. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси билан яқиндан танишиб, бунга яна бир карра амин бўласан, киши.*

**Муносабат**

Унда келтирилишича, фақат 2018 йилнинг ўзида Давлат дастури доирасида 21 триллион сўм ва 1 миллиард АҚШ долларига тенг 76 мингта лойиҳа амалга оширилди. Ўнлаб янги саноат корхоналари, транспорт-коммуникация инфратузилмалари, сервис ва хизмат кўрсатиш объектлари ишга туширилди. Қурилиш ҳамда ободонлаштириш ишларига йўналтирилган 3 триллион сўм маблағ 416 та қишлоқ ва маҳаллага мутлақо янгича қиёфа бахш этди. Бу каби ўзгаришлардан кўзланган асосий мақсад ҳар бир инсоннинг ҳаётдан рози бўлиб, бахтли яшашини таъминлашдир.

➡ 3

Шаҳзода Сауд бин Холид Ол Сауд:

## «ЮРТИНГИЗ БОЙ МЕРОСИ, БЕТАКРОР ТАБИАТИ БИЛАН ҲАР ҚАНДАЙ САЙЁҲНИ ЎЗИГА МАФТУН ЭТА ОЛАДИ»

*Саудия Арабистонининг Мадинаи Мунаввара шаҳри Амири ўринбосари, шаҳзода Сауд бин Холид Ол Сауд мамлакатимизнинг ушбу давлатдаги Фавқулодда ва мухтор элчиси билан Ар-Риёдда кечган учрашув чоғида Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳақида илиқ фикрлар билдирди.*

**Эътироф**

Мулоқотда Ўзбекистон ва Саудия Арабистони ўртасидаги икки томонлама алоқаларнинг бугунги ҳолати муҳокама этилиб, савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик кўламини янада кенгайтириш, шунингдек, биргаликда ўзаро манфаатли лойиҳаларни ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга татбиқ этиш хусусида сўз борди. Қолаверса, ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини ошириш, қўшма корхоналар сони ва маҳсулотлар турини кўпайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Тадбир давомида шаҳзода Сауд бин Холид Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси, тадбиркорлик субъектлари ва хорижий инвесторлар учун яратилаётган қулай шарт-шароитлар тўғрисида ўз мулоҳазаларини айтди. Унинг фикрича, 2018 йилнинг декабрь ойида Тошкентда ўтказилган Ўзбекистон — Саудия Арабистони бизнес форуми ҳамда унинг доирасида ташкил этилган “B2B” шаклидаги кооперация биржаси икки мамлакат савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлигини янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан БМТ Бош Ассамблеясида “Маърифат ва диний бағрикенглик” деб номланган махсус резолюция қабул қилинганини шаҳзода Сауд бин Холид юксак эътироф этди. Мазкур ҳужжатда бағрикенглик ва ўзаро ҳурмат, диний эркинликни таъминлаш борасидаги меъёрлар ўрин олгани нафақат Ўзбекистон, балки бутун мусулмон олами ҳамда дунё ҳамжамияти учун ҳам муҳимлиги қайд этилди.

Шаҳзода Сауд бин Холид давлатимиз раҳбари бошчилигида мамлакатимизда илм-фан ва таълим соҳаларининг ривожлантирилиши билан бир қаторда, ислом маданияти, умумбашарий цивилизация ривожига беназир ҳисса қўшган буюк аждодларимизнинг кўп қиррали бой меросини ўрганишга ихтисослаштирилган Имом Бухорий номидаги халқаро илмий-тадқиқот маркази барпо этилишини юқори баҳолади. Ушбу марказ қошида олий диний таълим муассасаси — Ҳадис илми мактабининг бунёд этилиши юксак таҳсинга сазовор эканлигини ҳам алоҳида таъкидлади.

Суҳбат давомида Макка ва Мадина шаҳарларида жойлашган икки муқаддас масжид имомлари ҳамда бир қатор диний арбоблардан иборат делегациянинг Ўзбекистон заминига ташрифини режалаштириш ҳақида фикр алмашилди.

“Ўзбекистон тарихий, илмий ва ўзига хос маданий меросга эга ҳамда инсоният тараққиёти ва жаҳон маданиятига муносиб ҳисса қўшган юртдир, — дейди шаҳзода. — Шу ўринда мамлакатингизда “Зиёрат туризми”ни ривожлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатларни муҳим ташаббус, дея баҳолайман. Чунки Ўзбекистоннинг бой мероси, бетакрор табиати, умуман, барча жиҳати ҳар қандай саудиялик сайёҳни ўзига мафтун этиши, шубҳасиз. Кейинги йилларда ташкил қилинган Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази ва Мир Араб олий мадрасаси ислом маданияти ҳамда илмий меросини ўрганиш йўлидаги Ўзбекистон раҳбариятининг дадил қадамидир. Икки томонлама маданий-гуманитар алоқаларимизни ривожлантиришда Мадинаи Мунавварада жойлашган бир қатор музей ва кутубхоналардаги ҳамда Ўзбекистонда сақланаётган бебаҳо қўлёзмаларни биргаликда ўрганиш, мамлакатларимиздаги хаттотлик санъати йўналишида тажриба алмашиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлайман”.

**«Дунё» АА.**
Ар-Риёд

## «ЮКСАЛИШ» УМУММИЛЛИЙ ҲАРАКАТИНИНГ РАСМИЙ ТАҚДИМОТИ

*Мазкур тақдимот Тошкентда “Давлат ва жамият бошқарувида фуқаролик жамияти институтларини жалб этишнинг миллий устувор вазифалари ва истиқболлари” мавзуида ташкил қилинган фуқаролик форуми доирасида ўтказилди.*

**Форум**

Ислоҳотларни амалга оширишга кўмаклашиш мақсадида фуқаролар, хорижда яшаётган ватандошлар ва нодавлат нотижорат ташкилотларини ихтиёрийлик асосида бирлаштириш мазкур ҳаракатнинг асосий вазифасидир.

— Биз самарали жамоатчилик назорати тизимини шакллантириш учун халқ ва фуқаролик жамияти институтлари билан очиқ мулоқотни йўлга қўймоқчимиз, — дейди “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати раиси Акмал Бурҳонов. — Парламент палаталари ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида ислоҳотлар юзасидан ўтказиладиган муҳокамаларга аҳолини ҳам жалб қилиш нафақат жамоатчилик фикрини ўрганиш, балки фуқароларнинг таклиф ва ташаббусларини ҳокимият органларига ўз вақтида етказиш имконини беради.

➡ 3

**Таассуф**




*Хабарингиз бўлса керак, давлатимиз раҳбарининг 2017 йил февралда Қашқадарё вилоятига ташрифи давомида берган топшириғига биноан, Яккабоғ туманида “Қорабайир отчилик мажмуаси” давлат унитар корхонаси бунёд этилди. Ушбу замонавий от заводи ўтган йили фойдаланишга топширилди.*

*Мухбиримиз наслчиликни ривожлантириш, тоза қонли Қорабайир от зотларини яратиш ва кўпайтиришга ихтисослаштирилган мазкур хўжаликда бўлиб, таҳлилий мақола тайёрлади.*

4-саҳифага қаранг. ➡

**Дунё нигоҳи**

## «ЎЗБЕКИСТОННИНГ ХАЛҚАРО ФОНД БОЗОРИГА КИРИБ КЕЛИШИ БУЮК ИПАК ЙЎЛИДАГИ ЭНГ КАТТА ВОҚЕА БЎЛАДИ»

FT FINANCIAL TIMES

**Дунё ишбилармон доиралари катта эътибор билан кузатиб борадиган “The Financial Times” газетасида “Ўзбекистон облигациялар бозорида дебютга тайёргарлик кўрмоқда” сарлавҳали мақола чоп этилди.**

Британиялик журналистларнинг ёзишича, Нью-Йорк ва Лондон фонд биржаларида Ўзбекистоннинг иштироки катта қизиқиш уйғотмоқда. Республика тўғри вақтни танлади. Зеро, ҳозир халқаро бозорда ниҳоятда қулай шароит ҳукм суряпти. Аммо бозорларнинг ўзгарувчанлигини ҳисобга олган ҳолда, мамлакат олдиндан зарур чоралар кўриши ҳам лозим.

“Табиий ресурсларга бой Ўзбекистон сўнгги уч йилда катта ўзгаришлар ва либераллаштириш йўлига ўтди. Темир йўл инфратузилмаси кенгайди, атом электр станцияси қурилишига киришилмоқда, хорижликлар учун виза талаблари бекор қилинди”, дейилади нашрда.

Мақолада Жаҳон банки иқтисодчиси Даниал Пажанкнинг қисқача фикри келтирилган. Мутахассис мамлакатимиз сўнгги вақтда ислоҳотларни мустаҳкамлаш ва инвесторлар билан муносабатларни яхшилаш, давлат ҳамда тадбиркорлар ўртасидаги ҳисоб бериш тизимини такомиллаштириш бўйича катта ютуқларга эришганини таъкидлайди.

Bloomberg

**АҚШнинг “Bloomberg” агентлиги ушбу мавзуни давом эттирар экан, “Фонд биржалари Буюк Ипак йўлига қайтмоқда” сарлавҳали репортажни тарқатди.**

Журналистлар Ўзбекистонда хорижий инвестициялар оқими учун қўшимча шарт-шароитлар яратилганини эътироф этиб, бу борада валюта соҳаси устидан назоратнинг енгиллаштирилиши, республикага келиш учун тўсиқлар олиб ташланиши, жумладан, виза тартибининг бекор қилинишига алоҳида урғу беришган. Ушбу чора-тадбирлар маҳаллий иқтисодиётнинг изчил ўсишига, миллий компаниялар фаолиятини рағбатлантириш ва ишбилармонлик фаоллигини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Материалда бугун Ўзбекистон катта ва диверсификациялашган иқтисодиётга эга бўлиб, яқинда амалга оширилган валюта ислоҳотлари сармоядорлар учун муҳим аҳамият касб этгани таъкидланади. “Bloomberg”да айтилишича, “Ўзбекистоннинг халқаро фонд бозорига кириб келиши Буюк Ипак йўлидаги энг катта воқеа бўлади”.

**Анвар МИРЗАЕВ**
**(«Халқ сўзи») тайёрлади.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

# ТРАНСПОРТ СОҲАСИДА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

2. Белгилаб қўйилсинки:

Вазирлик автомобиль, темир йўл, ҳаво, дарё транспортлари, метрополитен, шунингдек, йўл хўжалигини ривожлантириш соҳасидаги **ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича давлат бошқаруви органи** ҳисобланади;

Вазирлик транспорт ва йўл хўжалиги соҳасидаги ташкилотлар фаолиятини норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш, лицензия ва рухсатномалар бериш, сертификатлаштириш, самарали техник ва тариф сиёсатини амалга ошириш йўли орқали **давлат томонидан тартибга солиш вазифасини** амалга оширади;

Вазирлик томонидан ўз ваколати доирасида қабул қилинган қарорларнинг ижроси давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек, фуқаролар учун мажбурий ҳисобланади.

3. **Қуйидагилар Вазирликнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:**

транспортнинг барча турларини ягона транспорт тармоғига интеграциялашуви ва янги самарали транспорт-логистика тизимларидан фойдаланган ҳолда уйғунликда ривожлантиришга йўналтирилган ягона давлат транспорт сиёсатини ишлаб чиқиш;

транспорт ва логистика хизматлари бозорини ривожлантиришни рағбатлантириш, уларнинг барча тоифадаги истеъмолчилар учун оммабоплигини таъминлаш, шунингдек, соҳага инвестицияларни жалб этишга йўналтирилган транспорт соҳасидаги ягона тариф сиёсатини амалга ошириш;

халқаро транспорт коридорларини ривожлантириш, логистика тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва чора-тадбирларни амалга ошириш, мамлакат транспорт салоҳиятидан самарали фойдаланиш, тадбиркорлик субъектларининг транспорт-логистика хизматларидан фойдаланишдаги сарф-харажатларини камайтириш;

транспорт ва йўл хўжалиги соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш ва мамлакат инвестициявий жозибадорлигини ошириш;

бутун транспорт тизимини рақамлаштириш бўйича илғор ахборот технологияларини жорий этиш, Ўзбекистон Республикаси Транспорт тизимининг бир-бирига боғланган ягона тизимини истиқболли ривожлантириш стратегияларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

автомобиль йўллари соҳасида ягона техника сиёсатини амалга ошириш, фойдаланувчилар манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, автомобиль йўллари, аэродромлар ва аэропортлар, вокзаллар, темир йўллар ва транспорт инфратузилмасининг бошқа объектларини молиялаштириш, лойиҳалаш, қуриш, таъмирлаш ва фойдаланиш масалаларининг комплекс ечимини таъминлаш;

транспорт соҳасида назоратни амалга ошириш, фуқаро авиацияси ва экспериментал ҳаво кемаларидаги ҳалокатлар ва бахтсиз ҳодисаларни, шунингдек, темир йўл ва дарё транспортидаги авария ва ҳалокатлар бўйича текширувларни ташкил этиш ва амалга ошириш;

транспорт ва йўл хўжалиги соҳасидаги халқаро ва ҳудудий ҳамкорликни ривожлантириш ҳисобига транспорт хизматлари жаҳон бозорида Ўзбекистон Республикасининг миллий манфаатларини таъминлаш;

транспорт соҳасидаги жорий ва истиқболли эҳтиёжларни инобатга олган ҳолда таълим, кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг илғор усулларини тизимли равишда жорий этиш.

4. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси, уни Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги **Автомобиль йўллари қўмитаси** этиб қайта номлаган ҳолда;

Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси, уни Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги **Фуқаро авиацияси агентлиги** этиб қайта ташкил этган ҳолда;

Ўзбекистон Республикаси Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси, уни Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги **Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш инспекцияси** этиб қайта номлаган ҳолда;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси, уни Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги **Йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш инспекцияси** этиб қайта номлаган ҳолда;

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг **Ўзбекистон кемачилик регистри**;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги **"Ўзаэронавигация" маркази**;

иловага мувофиқ илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари, бошқа ташкилотлар, фаолиятини молиялаштиришнинг амалдаги тартиби сақланиб қолинган ҳолда, Вазирлик ихтиёрига ўтказилсин.

Тошкент шаҳар Транспорт ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш департаменти тугатилсин.

5. **Қуйидаги вазифа, функция ва ваколатлар Вазирликка ўтказилсин:**

а) Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг қуйидаги соҳалардаги:

кемаларни рўйхатга олиш (қайта рўйхатга олиш), кемаларни қуриш, фойдаланиш, қайта жиҳозлаш ва таъмирлашга гувоҳномалар бериш;

кемаларга кема гувоҳномаси ва билетлари, таснифлаш гувоҳномалари, сузиш учун мувофиқлик гувоҳномалари ва кемасозликни тартибга солувчи қоидаларда назарда тутилган бошқа ҳужжатларни бериш;

б) "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамиятининг қуйидаги соҳалардаги:

темир йўл транспортини ривожлантиришнинг давлат дастурларини ишлаб чиқиш, темир йўл транспорти истиқболли прогнозлари, ривожлантириш ва объектларни жойлаштириш схемаларини ишлаб чиқиш;

темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш соҳасида тариф ва транзит сиёсатни амалга ошириш, темир йўл транспортининг ўтказиш ва ташиш қобилиятини ошириш, темир йўл транспорти хизматлари бозорини ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирларни қабул қилиш;

саноат корхоналари ҳаракатдаги таркибларининг умумий фойдаланишдаги темир йўлларига чиқиши учун рухсатномалар бериш;

темир йўл йўлаклари, шунингдек, вагон ва контейнерларни юклаш, тушириш ва тозалашга мўлжалланган ускуналарни қуриш ва таъмирлаш лойиҳаларини келишиш.

6. Бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони 15 нафардан ташкил топган, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молиялаштириладиган **Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Транспорт ва логистикани ривожлантириш муаммоларини ўрганиш маркази** ташкил этилсин.

7. Вазирлик Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлигининг барча ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, шунингдек, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Автомобиль йўллари давлат қўмитаси, Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси, Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш инспекциясининг транспорт ва йўл хўжалиги соҳасидаги қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ва Ўзбекистон Республикаси томонидан имзоланган халқаро шартномалари, шунингдек, мазкур Фармонга мувофиқ ўтказилаётган бошқа ваколатлари борасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

8. Вазирлик Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда 2019 йил 1 ноябрга қадар барча турдаги транспортларнинг оптимал ва мувозанатлашган ўзаро алоқасини назарда тутувчи, умумқабул қилинган халқаро ҳуқуқ меъёрларини инобатга олган ҳолда "Транспорт тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги қарори лойиҳасини тасдиқлаш учун киритсин;

бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Транспорт ва логистикани ривожлантириш муаммоларини ўрганиш маркази фаолиятини ташкил этиш бўйича ҳукумат қарорини қабул қилсин;

уч ой муддатда Ўзбекистон Республикасининг логистика самарадорлиги бўйича халқаро рейтинглардаги ўрнини яхшилаш чораларини назарда тутувчи **Ўзбекистон Республикасида 2025 йилгача транспортни ривожлантириш концепциясини** ва уни амалга ошириш бўйича "Йўл харитаси"ни ишлаб чиқсин.

10. Вазирлик Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

11. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З. Ш. Низомиддинов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б. М. Мавлонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2019 йил 1 февраль

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТРАНСПОРТ ВАЗИРЛИГИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

2. Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирига:

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги (кейинги ўринларда — Вазирлик) марказий аппарати ва ҳудудий бўлинмалари, шунингдек, Вазирлик ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси тузилмасига зарур ҳолларда бошқарув ходимларининг белгиланган чекланган умумий сони доирасида ўзгартиришлар киритиш;

давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, етакчи лойиҳа институтлари, илмий ва таълим муассасалари **юқори малакали мутахассисларини**, шунингдек, халқаро ташкилотлар, хорижий компаниялар ва экспертларни **консультантлар сифатида жалб этиш**;

малакали хорижий мутахассисларни ишга қабул қилиш ва уларга иш ҳақи миқдори ҳамда бошқа тўловларни чет эл валютасида белгилаш ҳуқуқи берилсин.

3. Белгилансинки:

Ўзбекистон Республикаси транспорт вазири Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири тақдимига кўра Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тасдиқланади ва лавозимдан озод этилади;

Ўзбекистон Республикаси транспорт вазири ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади;

Вазирлик ҳузуридаги Фуқаро авиацияси агентлиги директори, Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш инспекцияси ҳамда Йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш инспекцияси бошлиқлари Ўзбекистон Республикаси транспорт вазири тақдимига кўра Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади;

Вазирлик ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси раисининг, Фуқаро авиацияси агентлиги директорининг, Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш инспекцияси ҳамда Йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш инспекцияси бошлиқларининг ўринбосарлари уларнинг раҳбарлари тақдимига кўра Ўзбекистон Республикаси транспорт вазири томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади;

Қорақалпоғистон Республикаси транспорт вазири ва унинг ўринбосари — Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан Ўзбекистон Республикаси транспорт вазири билан келишилган ҳолда лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади;

вилоятлар ва Тошкент шаҳар транспорт бошқармалари бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари — вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари томонидан Ўзбекистон Республикаси транспорт вазири билан келишилган ҳолда лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади;

Вазирлик ва унинг ҳудудий бўлинмалари штат бирликларини шакллантириш Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлиги штат бирликлари, Вазирлик ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси, Фуқаро авиацияси агентлиги, Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш инспекцияси, шунингдек, Вазирликка ўтказилаётган илмий-тадқиқот институтлари, таълим муассасалари ва бошқа ташкилотларнинг ваколатлари ва штат бирлигини оптималлаштириш ҳисобидан амалга оширилади;

Вазирлик ҳудудий бўлинмалари ходимларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 январдаги ПҚ–2722-сонли "Давлат бошқаруви ҳудудий органлари фаолиятини янада такомиллаштириш ва ходимларини моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорининг 1-бандида назарда тутилган меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари татбиқ этилади;

Вазирлик, унинг ҳудудий бўлинмалари ва идоравий бўйсунувидаги давлат бошқаруви органларининг таъминоти харажатларини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

4. Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлигининг Автомобиль транспортини ривожлантириш жамғармаси негизида, маблағларининг шакллантириш манбалари сақланган ҳолда, юридик шахс ташкил этмасдан Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Транспорт ва логистикани ривожлантириш жамғармаси ташкил этилсин.

Шаҳар, шаҳардан ташқари, шаҳарлараро ва халқаро йўналишларда автомобиль транспортида юк ва йўловчилар ташишни амалга ошириш учун лицензия бериш ва уларнинг амал қилиш муддатини узайтиришдан тушадиган давлат божи маблағларининг 40 фоизи Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетига Вазирлик ва унинг ҳудудий бўлинмаларини таъминлаш харажатларини молиялаштириш учун йўналтирилиши белгилансин.

Вазирлик Молия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига қуйидагиларни назарда тутувчи ҳукумат қарори лойиҳасини киритсин:

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Транспорт ва логистикани ривожлантириш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни, унинг маблағларини шакллантиришнинг қўшимча манбаларини белгилаган ҳолда тасдиқлаш;

Транспорт ва логистикани ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан Вазирлик ва унинг идоравий ташкилотлари ходимларини меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг 200 фоизгача бўлган миқдорда қўшимча моддий рағбатлантириш тартиби.

5. Вазирлик Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Монополияга қарши курашиш қўмитаси ва Давлат активларини бошқариш агентлиги билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига:

бир ой муддатда мазкур қарор талабларини инобатга олган ҳолда, Вазирлик ҳузуридаги Фуқаро авиацияси агентлиги, Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш инспекцияси ҳамда Йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш инспекцияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги ҳукумат қарори лойиҳасини;

икки ой муддатда тартибга солиш функцияларини истисно қилиш, инвестицияларни жалб этиш, шунингдек, рақобат муҳитини шакллантириш ва темир йўл транспортида юк ва йўловчилар ташишда "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ ва бошқа тадбиркорлик субъектлари — Ўзбекистон Республикаси резидентлари учун тенг шароитларни яратиш мақсадида "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифларни;

икки ой муддатда транспорт ва йўл хўжалиги соҳасида таълим, ходимларни қайта тайёрлаш, малакасини ошириш тизимини ва илмий тадқиқот ишларини такомиллаштириш бўйича таклифларни;

икки ой муддатда Вазирлик тизимига кирувчи тижорат тузилмаларини Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигига ўтказиш тўғрисидаги ҳукумат қарори лойиҳасини;

уч ой муддатда хорижий мутахассисларни жалб қилган ҳолда автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва фойдаланиш тизимини такомиллаштириш бўйича, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитасининг давлат ва тижорат функцияларини ажратишни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳасини киритсин.

6. Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари тугатилаётганлиги муносабати билан бўшаётган бино ва хоналарга Вазирлик ва унинг ҳудудий бўлинмалари жойлаштирилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

мазкур қарор талабларидан келиб чиққан ҳолда, 2019 йилда Вазирликнинг асосланган ҳисоб-китоблари бўйича Вазирликни таъминлаш харажатлари учун зарур бўлган бюджет маблағлари ажратилишини таъминласин, 2020 йилдан бошлаб эса ҳар йили зарур бюджет маблағларини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида назарда тутсин;

Вазирлик марказий аппарати ва ҳудудий бўлинмаларининг жами 21 та, шу жумладан, 19 та шахсий бириктирилган, шундан 14 таси Вазирликнинг ҳудудий бўлинмалари учун, хизмат автомобиллари таъминоти учун лимит белгилансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Вазирликни телефон алоқаси, шу жумладан, ҳукумат алоқаси билан белгиланган тартибда таъминласин.

9. Вазирлик:

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг статистика ахборотларини тарқатиш мажбурий бўлган ташкилотлар рўйхатига;

Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 7 октябрдаги 336-сонли қарори билан тасдиқланган Раҳбарлари ходимларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш тўғрисида илтимоснома киритиши мумкин бўлган давлат ҳокимияти органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилотлари рўйхатига киритилсин.

10. Вазирлик Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига:

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги тўғрисидаги низом лойиҳасини;

мазкур қарор қоидаларидан келиб чиққан ҳолда, давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг транспорт соҳасидаги такрорланувчи вазифалари, функциялари, ваколатлари ва тузилмаларини тугатиш бўйича таклифларни;

қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни киритсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З. Ш. Низомиддинов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б. М. Мавлонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2019 йил 1 февраль

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

# ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ВА ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ СОҲАСИДА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

таълим олувчиларнинг психологик тайёргарлиги, ҳуқуқий, сиёсий маданияти ва ҳуқуқий онгини оширишнинг самарали тизимини яратиш;

таълим олувчиларнинг аҳоли ва оммавий ахборот воситалари билан ишлаш ва ўзаро ҳамкорлик қилиш кўникмаларини такомиллаштириш;

ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича фаолиятини услубий ва консультатив таъминлаш;

юридик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни амалга оширувчи таълим ва илмий-тадқиқот, шу жумладан, хорижий мамлакатлардаги муассасалар билан ўзаро самарали идоралараро ҳамкорликни чуқурлаштириш.

3. Белгилаб қўйилсинки:

Филиал Тошкент давлат юридик университетининг таркибий бўлинмаси — юридик шахс мақомига эга олий таълим муассасаси ҳисобланади, Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвири ва давлат тилида номи туширилган муҳри ва бланкларига, мустақил балансига ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ғазначилигида шахсий ҳисоб рақамларга эга бўлади;

Филиалга Ўзбекистон Республикаси адлия вазири тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимига тайинланадиган ва лавозимидан озод қилинадиган директор раҳбарлик қилади;

Филиал директори меҳнатга ҳақ тўлаш, моддий рағбатлантириш, тиббий ва транспорт хизмати кўрсатиш шарт-шароитлари бўйича Ўзбекистон Республикаси адлия вазири ўринбосарига, директор ўринбосарлари эса — Тошкент давлат юридик университети проректорларига тенглаштирилади.

4. Қуйидагилар:

Тошкент давлат юридик университетининг Ихтисослаштирилган филиали тузилмаси 1-иловага;

**Тошкент давлат юридик университети Ихтисослаштирилган филиалининг самарали фаолиятини ташкил этиш бўйича "Йўл харитаси"** 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Филиал директорига Тошкент давлат юридик университети ректори ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда Филиал тузилмасига ходимларнинг белгиланган штат бирликлари ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

5. Белгилансинки:

Филиалда **"ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш" соҳа мутахассислиги бўйича юридик кадрларни тайёрлаш** кундузги таълим шаклида бакалавриатнинг махсус уч йиллик дастури бўйича белгиланган намунадаги диплом берилган ҳолда амалга оширилади;

Филиалда **"ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш" мутахассислиги бўйича олий ноюридик маълумотга эга бўлган кадрларни қайта тайёрлаш** кундузги таълим шаклида махсус олти ойлик дастур бўйича белгиланган намунадаги диплом берилган ҳолда амалга оширилади;

Филиалда ўқитиш давлат грантлари асосида амалга оширилади;

Филиал бакалавриатига қабул квотаси йилига 255 кишини, кадрларни қайта тайёрлаш дастури бўйича эса — ҳар олти ойда 50 кишини ташкил этади;

Адлия вазирлигига Молия вазирлиги билан келишган ҳолда Ички ишлар вазирлиги ва Миллий гвардиянинг буюртмаларига мувофиқ ҳамда Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида юридик кадрларга бўлган эҳтиёжини инобатга олиб, Филиалга қабул квоталарини кўпайтириш ёки камайтириш ҳуқуқи берилади;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Миллий гвардиясига бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан алоҳида шахсларни юридик кадрларни тайёрлаш дастурлари бўйича белгиланган квоталар (давлат грантлари)дан ташқари Филиалда ўқитиш учун тўловни амалга ошириш ҳуқуқи берилади;

Филиал дипломининг мавжудлиги ички ишлар органларига Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясида махсус касбий тайёргарликни ўтмасдан, "лейтенант" махсус унвони берилган ҳолда хизматга қабул қилиш учун асос бўлади.

6. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:

бакалавриат дастури бўйича Филиалга қабул танлов асосида амалга оширилади;

Филиалга қайта тайёрлаш дастури бўйича ўқишга Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири ва Миллий гвардия қўмондони тавсиялари асосида олий ноюридик маълумотга эга бўлган амалдаги ходимлар ва ҳарбий хизматчилар белгиланган тартибда эгаллаб турган лавозими ва пул таъминоти сақлаб қолинган ҳолда қабул қилинади;

ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишга муносиб ҳисса қўшган Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти профилактика инспекторларининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ёрдамчиларига ўрнатилган қабул квоталари доирасида Ўзбекистон Республикаси адлия вазири томонидан белгиланадиган алоҳида квоталар бўйича Филиалга ўқишга кириш учун танловда иштирок этиш ҳуқуқини тақдим этадиган Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ва Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси бошлиқларининг тавсиялари берилиши мумкин;

Филиалда ўқишни тамомлаган шахслар Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимида камида 5 йил ишлаб бериш мажбуриятини оладилар;

Филиал суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари, адвокатлар, шунингдек, илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасалари, вазирликлар, идоралар мутахассислари ва бошқа мутахассисларни ўриндошлик тартибида ёки меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш шартларида педагогик фаолиятни амалга оширишга жалб этиш ҳуқуқига эга;

Тошкент давлат юридик университети фаолиятини тартибга солувчи нормалар, агар қонунчилик ёки университет қарорлари билан бошқа қоидалар назарда тутилмаган бўлса, Филиал фаолиятига ҳам татбиқ этилади.

7. Филиалнинг Васийлик кенгаши 3-иловага мувофиқ таркибда ташкил этилсин.

Белгилансинки, Васийлик кенгаши Филиалнинг ҳар томонлама ривожланишига кўмаклашади, жумладан:

манфаатдор вазирлик ва идораларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ходимларни моддий рағбатлантириш учун Филиалнинг молиялаштирилишини таъминлайди;

Филиалнинг педагог ва бошқа ходимларининг меҳнат шароитлари ва ижтимоий таъминотини яхшилаш бўйича чораларни кўради;

олий юридик таълимнинг ривожланишига кўмаклашувчи янги шакл, дастур ва истиқболли ташаббусларни, илмий ишланмалар натижаларини қонун ижодкорлиги фаолияти ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига самарали жорий этишда қўллаб-қувватлашни амалга оширади;

(Давоми 3-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

# ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ВА ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ СОҲАСИДА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1, 2-бетларда).

ўзаро ҳамкорлик тўғрисида шериклик келишувлари тузилиши ва уларни рўёбга чиқаришда мувофиқлаштиришни амалга оширади;

таълим соҳасида халқаро ҳамкорликнинг ривожланишига кўмаклашади.

8. Қуйидагилар Филиал фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

Филиалда таълим олиш учун тўланган маблағлар;

бюджетдан ташқари Адлия органлари ва муассасаларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари;

жисмоний ва юридик шахсларнинг хайрия маблағлари;

халқаро молия институти грантлари, шунингдек, қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар.

9. Белгилаб қўйилсинки:

Филиал таъминоти учун бюджет маблағлари 2019 йилда Адлия вазирлигининг асосланган ҳисоб-китоблари бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2019 йил ижтимоий соҳа учун тасдиқланган кўрсаткичлари доирасида ажратилади, 2020 йилдан бошлаб эса Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг харажатлари параметрларида назарда тутилади;

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа давлат органларидан ишга қабул қилинган Филиал ходимларига олдинги иш жойидаги барча устама ва қўшимча тўловлар, тиббий хизмат кўрсатишнинг имтиёз ва шартлари уларни тегишли органнинг амалдаги кадрлар захирасига қонунчиликда белгиланган тартибда ўтказган ҳолда сақлаб қолинади;

Филиалнинг ходимларига Тошкент давлат юридик университетининг тегишли лавозимлари учун назарда тутилган меҳнатга ҳақ тўлаш миқдорлари татбиқ этилади;

Филиал ходимларига мартаба даражалари ва узоқ йиллик хизмати учун устама ва қўшимча тўловлар тўлаш бўйича харажатларни бюджетдан ташқари Адлия органлари ва муассасаларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштириш орқали Ўзбекистон Республикаси адлия органлари ва муассасаларининг мартаба даражалари қонунчиликда белгиланган тартибда берилади;

ўз хизмат вазифаларини виждонан ва самарали бажарган Филиал ходимларига директор буйруғи асосида Васийлик кенгаши билан келишган ҳолда тариф ставкасининг 200 фоизигача бўлган миқдорда ҳар ойлик шахсий устамалар белгиланиши мумкин;

Филиал ходимларига тариф ставкасининг 200 фоизигача бўлган миқдорда ҳар ойлик шахсий устамаларни тўлаш учун маблағлар Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардияси, Адлия вазирлиги, Тошкент давлат юридик университетининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалардан ажратилади.

10. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ва Давлат активларини бошқариш агентлигининг Филиални беғараз фойдаланиш ҳуқуқи асосида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институтининг Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Қулоқтепа кўчаси, 9-уйда жойлашган бино ва иншоотларида жойлаштириш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

11. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2019 йил 1 сентябрга қадар ҳудудларнинг юридик кадрларга бўлган эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда Тошкент давлат юридик университетининг ҳудудий филиалларини ташкил этиш юзасидан таклифларни киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратураси ва Миллий гвардияси билан биргаликда икки ой муддатда Жиззах политехника институти негизида мазкур қарор талабларидан келиб чиққан ҳолда Жиззах вилояти ички ишлар органларининг олий ноюридик маълумотга эга бўлган ходимларини қайта тайёрлаш сайёр курсларини ташкил этсин;

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Миллий гвардияси билан биргаликда Тошкент шаҳар ҳокимияти кўмагида икки ой муддатда чет эл ўқув марказлари ва таълим муассасаларига танишув сафарларини ташкил этишни назарда тутган ҳолда пойтахт ҳудудининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари учун юридик кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш соҳасидаги илғор хорижий тажрибанинг ўрганилишини таъминласин;

манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

12. Тошкент шаҳар ҳокими белгиланган тартибда Филиал бино ва иншоотларининг замонавий талаблар асосида реконструкция қилинишини ҳамда юклатилган вазифаларнинг ўзига хос жиҳатлари ва таълим олувчиларнинг яшашини инобатга олган ҳолда унинг ишини самарали ташкил этиш учун зарур бўлган мебель, ўқув-лаборатория ва криминалистик ускуналар, компьютер техникаси ва бошқа моддий-техника воситалари билан жиҳозланишини таъминласин.

13. Филиалга иккита енгил, шу жумладан, битта шахсан бириктирилган автотранспорт воситаси таъминоти учун лимит белгилансин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши котиби В. В. Маҳмудов, Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б. М. Мавлонов ва Тошкент шаҳар ҳокими Ж. А. Артикходжаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2019 йил 7 февраль

# «ЮКСАЛИШ» УМУММИЛЛИЙ ҲАРАКАТИНИНГ РАСМИЙ ТАҚДИМОТИ

◄ 1

Маҳаллий шериклар қаторида халқаро ташкилотлар билан ҳам ҳамкорликни йўлга қўймоқдамиз. Хусусан, ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан биргаликда ёшлар ўртасида тадқиқот бошладик. Бизга навқирон авлоднинг мамлакатдаги ўзгаришлар ҳақидаги фикрлари қизиқ. Ўғил-қизларни ташвишга солаётган муаммоларни ҳам ўрганамиз. Бу борада ижтимоий соҳа, жумладан, таълим ва иш билан таъминлаш масаласига урғу берилаётир.

Форум турли мавзуларга бағишланган сессиялар шаклида давом этди. Парламент аъзолари, ННТ фаоллари, давлат органлари мутахассислари фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг долзарб жиҳатларини муҳокама қилишди, нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат ва жамият бошқарувига жалб этишнинг устувор йўналишлари ҳамда истиқболлари белгилаб олинди. Якунда ННТ фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган таклифлар ишлаб чиқилди.

Шу куни "Юксалиш" умуммиллий ҳаракати билан К. Аденауэр номидаги жамғарма ваколатхонаси, "АРГО" фуқаролик жамиятини ривожлантириш ассоциацияси (Қозоғистон) ва "Минтақавий мулоқот" халқаро ноҳукумат ташкилоти (Словения) ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандумлар имзоланди. Улар икки томонлама алоқаларни кенгайтириш учун асос бўлиб хизмат қилади. Масалан, "АРГО" билан биргаликда ННТ вакиллари учун тадқиқот лабораториялари ва коворкинг-марказлари яратилади, "Минтақавий мулоқот" ХНТ билан хорижлик экспертларни жалб этган ҳолда суд-ҳуқуқ соҳаси, чунончи, ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга қаратилган лойиҳалар рўёбга чиқарилади.

— Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистоннинг очиқ фуқаролик жамияти ҳамда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳар томонлама таъминлашга қаратилган ислоҳотларни тадрижий олиб бориш йўлида қатъий содиқ эканлигига гувоҳ бўляпмиз, — дейди К. Аденауэр номидаги жамғарманинг минтақавий вакили Томас Кунце. — Бу жараёнда ННТ ва алоҳида фуқаролар муҳим роль ўйнайди. Фуқаролик жамияти ва давлат бошқаруви органлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш "Юксалиш" умуммиллий ҳаракати зиммасига юклатилган. Биз у билан ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум имзоладик. Бунинг доирасида турли йўналишларда, жумладан, жойларда ислоҳотларнинг бориши устидан жамоатчилик мониторингини амалга ошириш бўйича тадбирлар ўтказиш белгилаб қўйилган.

**Саиджон МАХСУМОВ («Халқ сўзи»).**

# МУАММОНИ БАРТАРАФ ҚИЛИШ УЧУН МОЛИЯВИЙ РЕСУРС ЗАРУР

*Тиббиётдаги тизимли муаммо ва камчиликларни қисқа муддатда бартараф этиш мушкул. Буни депутат сифатида айни кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери, депутатлар гуруҳи, Соғлиқни сақлаш вазирлиги мутасаддилари ҳамда ихтисослаштирилган марказлар раҳбарлари, шифокор-мутахассислардан иборат ишчи гуруҳи таркибида юриб, янада теранроқ англаб етдим.*

**Депутат фикри**

Республикамиз вилоятларида, жумладан, Андижонда аҳолига кўрсатилаётган тиббий-санитария ёрдами сифати ва самарадорлигини ошириш, тиббиёт муассасалари моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш, уларнинг кадрлар таъминотини яхшилаш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзи, соғлом овқатланиш маданиятини тарғиб қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳолати яна бир бор таҳлил қилинди.

Бир неча кун мобайнида вилоятдаги тиббиёт муассасалари фаолиятини яқиндан ўрганиб, таҳлил этдик. Аҳоли ҳамда беморлар билан юзма-юз мулоқот қилдик, улар учун тиббий кўриклар ташкил этдик. Республикадан ташриф буюрган мутахассислар билан биргаликда ҳудудий тиббиёт муассасалари шифокорлари ҳам Андижон вилоятининг ҳар бир туманида уйма-уй юриб, тиббий текширувлар ўтказди.

Шу ўринда айрим рақамларга эътибор қаратсак.

Ўрганишлар давомида вилоятда яшовчи 5 минг нафардан ортиқ энг оғир, сурункали касалликка чалинган ва эҳтиёжманд оилалар аъзолари тиббий кўрикдан ўтказилиб, 638 нафарига амбулатор, 217 нафарига вилоят ҳамда республика муассасаларида даволанишга йўлланмалар берилди. Аммо бу билан уларни тўлақонли қамраб олдик, деб айтолмаймиз. Вилоятдаги тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базаси ҳолати, асбоб-ускуналар билан таъминланганлик даражаси ва улардан самарали фойдаланиш, кадрлар таъминоти каби омиллар борки, бу бевосита касалланиш кўрсаткичларига ўз таъсирини кўрсатади.

Аниқланган тизимли камчиликлар яқинда халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессиясида танқидий-таҳлилий муҳокама этилди.

Бироқ масалаларни бартараф қилиш учун молиявий ресурс ҳам етарли бўлмоғи лозим. Шу боис ҳам вилоятда 2019 йилга мўлжалланган дастурга кўра, жорий йилда барча манбалар ҳисобидан соҳага жами 113,8 миллиард сўм ва 8,9 миллион долларлик маблағ йўналтирилиши кўзда тутилган.

Дастур доирасида 20 та объектда, хусусан, Қўрғонтепа, Хўжаобод, Булоқбоши, Жалақудуқ, Балиқчи, Андижон, Бўз, Улуғнор, Шаҳрихон туман тиббиёт бирлашмалари бўлинмалари, вилоят перинатал маркази, Андижон шаҳрининг 3, 5, 18-сонли оилавий поликлиникалари, Андижон давлат тиббиёт институти клиникаси, вилоят юқумли касалликлар шифохонаси, Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Андижон филиали, вилоят психоневрология, тери-таносил касалликлари ҳамда наркология диспансерларида қурилиш-таъмирлаш ишларини олиб бориш кўзда тутиляпти.

Бундан ташқари, жорий йилда вилоятда жами 150 та хусусий тиббиёт муассасаси ташкил этилиши ҳам режалаштирилмоқда.

Соҳадаги тизимли муаммолар аниқланиб, айримлари жойида ҳал қилинмоқда, қолганларини туман, шаҳар, вилоят, республика миқёсида ечиш чоралари кўриляпти.

**Саттор РАҲМАТОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати.**

## 9 ФЕВРАЛЬ — АЛИШЕР НАВОИЙ ТАВАЛЛУД ТОПГАН КУН

*Ҳар биримиз "Олам аҳли, билингизким иш эмас душманлиғ, Ёр ўлунг бир-бирингизгаким, эрур ёрлиғ иш", деган гўзал мисралар улуғ бобомиз Алишер Навоий қаламига мансуб эканини яхши биламиз. Кўпчилигимизга улар ёд бўлиб кетган. Ҳақиқатан ҳам, буюк шоир ўз асарларида миллатлараро тотувлик, бағрикенгликни куйлаган, мамлакатда тинчлик-осойишталик, ҳамжиҳатликни таъминлашга катта ҳисса қўшган.*

# МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК ВА БАҒРИКЕНГЛИК КУЙЧИСИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитасида ўтказилган адабий-бадиий кечада бу алоҳида таъкидланди. Унда юртимиздаги турли миллий маданий марказлар раҳбарлари ҳамда фаоллари, таниқли ёзувчи-шоирлар, адабиётшунослар, профессор-ўқитувчи ва талабалар қатнашди.

— Буюк бобомиз асарлари нафақат юртдошларимиз, балки бутун жаҳон аҳли томонидан катта эҳтиром билан тилга олинади, — дейди Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети профессори Абдулҳай Собиров. — Шу боис халқимизга юксак ҳурмат билан қараган халқлар она тилимизни ҳам ўрганишга интилмоқда. Университетимиз билан ҳамкорликда Хитой, Россия, Озарбайжон, Америка Қўшма Штатларида ўзбек тили маданияти марказлари очилган. Францияда ҳам бу борада ишлар олиб боriляпти. Ушбу марказларда Алишер Навоий ва бошқа мутафаккирларимиз асарлари ўрганилмоқда. Жумладан, Хитойдаги Шанхай университети олимлари билан бирга Навоий асарлари хитой тилига таржима қилиниб, китоб ҳолида нашр этилди. Дунё Навоийга интилмоқда, зеро, у фақат ўзбек халқининг эмас, балки эзгулик, яхшилик, инсонпарварлик, халқпарварлик, илмга интилган бутун жаҳондаги элпарвар халқларнинг шоирига айланган.

Улуғ мутафаккир асарларининг барчасини ёддан билмасак-да, улардаги эзгу ғоя ҳар биримизнинг руҳимизга, қалбимизга сингиб кетган. Бугун мамлакатимизда 130 дан зиёд миллатлар ва элатлар вакиллари аҳил-иноқ, тинч ҳамда осойишта ҳаёт кечираётгани сўзимиз исботидир.

Тадбирда Алишер Навоий ижодидан намуналар ўқилди.

**Дилшод КАРИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# ИҚТИСОДИЁТ ДРАЙВЕРИ

## улкан имкониятларга йўл очади



◄ 1

Ана шу беқиёс бунёдкорлик режалари муваффақиятли рўёбга чиқарилишини давлатимиз раҳбарининг таърифи билан айтганда, "иқтисодиёт драйвери, ўзбекча айтганда, иқтисодиётнинг юраги" таъминламоқда. Буни ҳозирги пайтда мамлакатимизда чет эл инвестициялари ҳисобидан қиймати 23 миллиард долларлик 456 та лойиҳа амалга оширилаётганлиги ҳам тасдиқлаб турибди.

2019 йилнинг "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили" деб эълон қилинганлиги ҳам 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган ислоҳотларни мантиқий давом эттиришгина эмас, балки юксак босқичга кўтаришга йўналтирилган. Янги йилда барча манба ҳисобидан қарийб 138 триллион сўмлик ёки ўтган йилдагига нисбатан 16 фоиз кўп инвестициялар ўзлаштирилиши, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар миқдори эса қарийб бир ярим баробар оширилиб, 4,2 миллиард долларга етказилиши мўлжалланмоқда. Натижада Ўзбекистонда яна 142 та замонавий корхона фойдаланишга топширилади. Бундай корхоналар, қурилишлар, инфратузилмалар, сервис ва хизмат кўрсатиш шохобчалари янги иш жойлари демакдир.

Бинобарин, Мурожаатномада жорий йилда ижтимоий соҳани янада ривожлантиришнинг биринчи вазифаси сифатида аҳоли ўртасида ишсизликни камайтириш, одамлар даромадини ошириш лозимлиги кўрсатилганлиги бежиз эмас. Ҳақиқатан ҳам, янги иш жойлари аҳоли фаровонлигини таъминлаш, иқтисодиёт тараққиётини жадаллаштиришнинг энг асосий ва энг муҳим манбаидир.

Шу муносабат билан давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида "Савол туғилади: мамлакатимизда ҳақиқий ишсизлар сони қанча? Иқтисодиётнинг норасмий секторида неча фоиз аҳоли банд? Хорижга иш қидириб кетганларнинг сони-чи?

Биз бир нарсани тўғри тушунишимиз керак: битта ишсиз одам — ўнта муаммо дегани. Бу муаммолар ишсиз одамнинг ўзига, оиласи ва маҳалласига, жамиятга келтирадиган зарарини ҳисобласак, масаланинг нақадар жиддий экани янада ойдинлашади", деб таъкидлади ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш ва ишсизликни камайтириш бўйича кечиктириб бўлмайдиган зарур чоралар кўриш лозимлигини уқтирди.

Чиндан ҳам, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 декабрдаги қарорига мувофиқ, олиб борилган ижтимоий тадқиқотлар натижасида аниқланган ишсизлар сони олдинги расмий статистика маълумотларидан жиддий фарқланишини кўрсатди. Яъни 2018 йилнинг биринчи ярмида мамлакатдаги ишсизлар сони 1 миллион 350 минг киши, ишсизлик даражаси эса 9,3 фоиз эканлиги аниқланди. Шу боис 2019 йил учун бандликка кўмаклашишнинг янги давлат дастури ишлаб чиқилмоқда.

**Статистика маълумотлари 2018 йилда мамлакатимиз аҳолисининг сони 33 миллион, меҳнат ресурслари 18,7 миллион нафардан ортганлигини кўрсатмоқда. Шунингдек, ҳар йили меҳнат бозорига 400 мингдан кўпроқ янги иш кучлари кириб келади. Таҳлиллар республикада тобора ортиб бораётган меҳнат ресурсларини самарали банд қилиш иш жойларини ёки иш билан бандлик асосий фондларини янгилаш коэффициентини йилига камида 20 фоиз кўпайтиришни талаб этишидан далолат бермоқда.**



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Ҳозирги пайтда ташкил этилаётган иш жойларига талаб ҳам ортмоқда. Улар шунчаки одамларни меҳнат фаолиятига жалб қилиш имкониятини яратмасдан Халқаро меҳнат ташкилотининг стандартларига жавоб бериши керак. Аслида, самарали иш ўрни мавжуд қўшимча қиймат даражасидан юқори қўшимча қиймат яратиш имкониятини берувчи иш жойи ҳисобланади. Мамлакатимизда ҳам худди шунга алоҳида эътибор берилаётгани диққатга сазовордир. Жумладан, Ўзбекистонни инновацион ривожлантириш дастури доирасида мутлақо янги — атом энергетикаси соҳаси шакллантирилмоқда. Эркин иқтисодий зоналар кўпайтирилиб, уларга энг янги технологиялар олиб кириляпти. Қишлоқ хўжалигида кластер тизимига ўтилаётганлиги фермер хўжаликларида ҳам янги самарали ва барқарор иш жойлари очишга хизмат қилишини таъминлайди.

Юқори қўшимча қиймат яратиш имкониятини берадиган янги иш жойлари ташкил этишда, айниқса, "рақамли иқтисодиёт"ни шакллантириш ва ривожлантириш истиқболлари катта. Тараққий этган давлатларнинг тажрибаси рақамли иқтисодиёт ялпи ички маҳсулотни камида 30 фоиз ўстириш имконини бериши билан бир қаторда, бандликни ўта самарали, яъни замонавий, эгилувчан иш билан таъминлашидан яққол далолат бермоқда. Масалан, кейинги йилларда жаҳонда фақат интернетнинг ривожлантирилиши 1,2 миллионта янги, юқори технологияларга асосланган иш жойлари яратган.

Мамлакатимизда ҳам иқтисодиётнинг барча соҳасини энг замонавий технологиялар асосида янгилашни назарда тутадиган Рақамли иқтисодиёт миллий концепциясини ишлаб чиқиш ва шу асосда "Рақамли Ўзбекистон — 2030" дастурини ҳаётга татбиқ этиш вазифаси белгилаб берилди.

Инновацион ҳамда рақамли иқтисодиёт юқори технологияларга асосланган иш жойларида самарали меҳнат фаолиятини амалга оширишга қодир мутахассис ва ходимларни тайёрлаш вазифаси долзарблигини кучайтирмоқда.

Инсон капитали салоҳиятини ошириш учун таълим тизимида кенг кўламли ислоҳотларга киришилди. Бу соҳада янги давлат бошқаруви органи — Мактабгача таълим вазирлиги ташкил этилди. Болалар боғчалари шохобчаларини кенгайтириш, бу ишни давлат-хусусий шериклик усулида йўлга қўйиш, тадбиркорларга катта имтиёзлар берилиши натижасида мактабгача таълим тизимида туб ўзгаришлар кузатилмоқда. Уларда болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражасини бугунги 34 фоиздан 2019 йилда 44 фоизга етказиш режалаштирилган.

2018 йилда мамлакатимизда 13 та янги олий таълим муассасаси, жумладан, "Ипак йўли" туризм халқаро университети, Миллий технологик тадқиқотлар университетининг Олмалиқ шаҳридаги филиали, Тошкент шаҳрида Жанубий Кореянинг Пучон университети фаолият бошлади. Илк маротаба Ўзбекистон — Россия таълим форуми ўтказилиб, унинг якуни бўйича россиялик ҳамкорлар билан таълим ва илмий фаолиятга оид 114 та шартнома ҳамда келишув имзоланди. Ҳар бир келишув бўйича "Йўл харита"лари ишлаб чиқилган бўлиб, уларни амалга оширишга Г. Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университетининг Тошкент филиали профессор-ўқитувчилари ҳам ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Давлатимиз раҳбари Мурожаатномасида "Нияти улуғ халқнинг — иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади", деб таъкидлади. Янги йилга белгиланган улуғвор режаларнинг изчил амалга оширилиши халқимизнинг, ҳар бир оила ва инсоннинг бахт-саодатига хизмат қилиши, шубҳасиздир.

**Қаландар АБДУРАҲМОНОВ, ЎзФА академиги.**

# Ўзбекистондаги дастлабки талабалар коворкинг-маркази

*"Yoshlar — kelajagimiz" Давлат дастури ижроси доирасида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг молиявий кўмагида Тошкент архитектура-қурилиш институтида ташкил этилган ушбу марказда талабалар меъморлик лойиҳалари устида мустақил ёки гуруҳ бўлиб ишлашлари, тажриба алмашишлари ва ўз ғояларини ривожлантириши мумкин.*



**Янгилик**

Эътиборлиси, коворкинг-марказининг лойиҳасидан тортиб, хоналарнинг ички безагигача бўлган барча ишларни институт талабалари устозлари билан бирга амалга оширди.

Марказ ҳар хил шаклга эга бўладиган (трансформер) мебель, тақдимот ускуналари, маркерли тахта (доска)лар билан жиҳозланган. Шунингдек, ёш архитекторлар учун замонавий дастурлар ўрнатилган иккита компьютер хонаси мавжуд.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги матбуот хизмати томонидан маълум қилинишича, келгусида бу каби марказлар мамлакатимиздаги бошқа олий ўқув юртларида ҳам ташкил этилади.

**Фазлиддин АБИЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**




# ҚОРАБАЙИР



## ОТЧИЛИК МАЖМУАСИ ХЎЖАКЎРСИНГА ҚУРИЛГАНМИ?

*“Элни ё полвони, ё оти танитади”, дейди халқимиз. Буни қарангки, Яккабоғ туманининг чекка Бешқўтон қишлоғида “Қорабайир отчилик мажмуаси” давлат унитар корхонаси бунёд этилгач, унинг номи нафақат Қашқадарё вилоятига, балки бутун юртимизга кенг ёйилди. Ўзбек халқи тарихи билан узвий боғлиқ бўлган Қорабайир от зотини кўпайтиришга ихтисослаштирилган мазкур мажмуани кўриш, фаолияти билан танишиш, ҳамкорлик қилиш умидидагилар ҳам кам эмас.*

*Элимизда азал-азалдан отга меҳр бўлакча. Гап миллий ғуруримиз — қорабайир ҳақида кетар экан, от чоптириб ўсган эр йигитлар жойида тинч туролмайди. Шу маънода, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан қурилиб, 2018 йилда фойдаланишга топширилган мазкур завод йилқичилик ва от спорти фидойилари учун катта туҳфа бўлди.*

***Ушбу замонавий мажмуага яқинлашар экансиз, аввало, унинг ташқи қиёфаси, олд қисмидаги ландшафт дизайни эътиборингизни тортади. Ичкарига кирсангиз, бу ерда яратилган шарт-шароитларга ҳавасингиз келади.***

***200 бош йилқи парваришлашга мўлжалланган тўртта отхона, очиқ ва ёпиқ манеж, 500 ўринли трибуна, қумда ва сувда механик юргизиш манежлари бунёд этилган. Бундан ташқари, ҳар бири икки ўринли тўртта меҳмонхона, ошхона, мажлислар зали, чавандозлар учун кийиниш, ювиниш хоналари — буларнинг барчаси замон талабларига ҳамоҳанг. Ахир бунинг учун оз эмас, кўп эмас, нақд 37,7 миллиард сўм маблағ сарфланган.***

***От заводи жамоаси олдига қўйилган ягона талаб эса наслчиликни ривожлантириш, тоза қонли Қорабайир зотини яратиб, юртимиз шарафини халқаро миқёсда ҳимоя қиладиган тулпорлар етказиб беришдир. Мажмуада ушбу йўналишда олиб борилаётган ишлар билан қизиқдик.***

***— Айни пайтда 50 та бия, 20 та той парваришлаяпмиз, — дейди “Қорабайир отчилик мажмуаси” ДУК раҳбари ўринбосари Бойбўри Худоёров. — Қорабайир зотига мансуб бу отлар Ўзбекистон йилқичилик ва от спорти федерацияси мутахассислари томонидан танлаб берилган. Бияларнинг ҳолати яхши, семизлиги талаб даражасида бўлиб, апрель-май ойларида қулунлайди.***

***Суҳбатдошимизнинг сўзларидан хурсанд бўлиб, туёғидан ўт чақнайдиган тулпорларни тезроқ кўргимиз келади. Негаки, қорабайир отлари довюраклиги, жанговарлиги билан ном қозонган-да!***

Маълумотларга қараганда, юртимизда бу зотнинг “Оловхон”, “Ўзбекистон” каби типлари яратилган. Бироқ изланишлар якунига етказилмай қолган бўлса-да, қорабайир генофонди сақлаб қолингани энг катта муваффақият сифатида баҳоланади.

Очиқ майдонда чоптирилаётган 10 га яқин тойларни ҳисобга олмаганда, отхоналар ҳувиллаб ётибди. Бойбўри Худоёровнинг айтишича, бу айғирлар уюрни ҳайдаб боқиш учун олинган хизмат отлари экан. Бия ва тойлар эса яйловга чиқарилган.

Ҳайрон қолдик, ҳаво очиқ бўлса ҳам, барибир қиш-да! Тўқсон обҳавоси турланувчан, дейишади...

Буни қарангки, биз қанчалик отларни кўриш, суратга олишга қизиқсак, мажмуа жамоаси шунчалик қаршилик кўрсатишини аввалига тушунмадик. Аҳдимиз қатъийлигини англагач, ноилож рози бўлишди. Мажмуа ветеринари Шокир Маҳмудов ҳамроҳлигида йўлга чиқдик.

Яйлов деганлари чамаси 3-4 чақиримлик масофадаги от заводи учун берилган 200 гектар лалми экин майдони экан. Шу ерда йилқи боқиб юрган Азамат Суюновни суҳбатга тортамиз. Унинг айтишича, уюрда 31 бия, 20 та той бор.

— Қолган 19 таси бошқа уюрда, — дея гапни илиб кетади ветеринар. — Отлар, айниқса, биялар юргани яхши-да. Қиров эригандан сўнг далага чиқариб, айлантириб келамиз.

Очиғи, уюрдаги отларни кўриб, ҳафсаламиз пир бўлди. Наҳот шулар қорабайир бўлса?! Қани достону ривоятларда мадҳ қилинган ҳайбатли тулпорлар, гижинглаган асов тойлар?!

Тўғри, биз йилқиларнинг зотини аниқлайдиган мутахассис эмасмиз. Боз устига, улар федерация масъул мутахассисининг тавсияси билан олингани айтилмоқда. Аммо маълумотларда келтирилишича, қорабайир отларининг тана тузилиши ўта хушбичим ва қотма, тўши кенг, бўйни қисқа эса-да, анча йўғон, қарчиғайи ўртача баландликда бўлиши керак. Бу ҳақда мутасаддилар кўпроқ қайғуриши керак, назаримизда.

Лекин танаси лойга беланган той ва бияларга боқиб, ачинасан, киши. Бу серхосият жониворлар ўша замонавий типда қурилган, ҳар бирида ювинтириш учун махсус жиҳозлар ўрнатилган отхоналарда боқилса, нега ранги рўйи бу қадар абгор экан-а?!

Аттанг! Аслида, от заводида йилқилар кунига бир марта чўмилтирилиши лозим эмасми? Қиш мавсумида нозик жониворлар шамоллаб қолмайдими, дерсиз. Бунинг олдини олиш учун эса танасини яхшилаб қуритадиган махсус қурилма — “солярий душ” бўлиши шарт саналади. Ё шундай ҳашаматли отхона қуриб, уни жиҳозлаш чоғида энг муҳим қурилма эсдан чиқиб қолдимикан? Бунисини билолмадик.



**Уюрдаги отларни кўриб, ҳафсаламиз пир бўлди. Наҳот шулар қорабайир бўлса?! Қани достону ривоятларда мадҳ қилинган ҳайбатли тулпорлар, гижинглаган асов тойлар?!**

От заводи зоотехнигини тополмагач, яна ветеринарга мурожаат қиламиз.

— Энди ҳозир қиш, — дея вазиятга изоҳ беради Шокир Маҳмудов. — Лекин йилқиларнинг барчаси соғлом. 95 фоиз қулун олишни мўлжаллаб турибмиз. Бияларнинг ҳар бирига 2,5 — 3 килодан, тойларга эса 1,3 килодан арпа берамиз.

Синчиларнинг айтишича, маҳаллий улоқчи, ҳатто, спорт отларига ҳам кунига ўртача 3 килограммдан ем бериларкан. Агар биялар шунча ем еса борми, қишнинг чилласидаям этдан тушмайди, пишқириб кетади, дейишди.



**Танаси лойга беланган той ва бияларга боқиб, ачинасан, киши. Бу серхосият жониворлар ўша замонавий типда қурилган, ҳар бирида ювинтириш учун махсус жиҳозлар ўрнатилган отхоналарда боқилса, нега ранги рўйи бу қадар абгор экан-а?!**

Кимга ишонишни билмайсиз. Нима бўлганда ҳам жониворлар емсиз, хашаксиз қолмасин. Қишдан беталафот чиқсин. Таассуфланарли жиҳати шуки, мажмуа очиқ омборида озроқ бедадан бошқа нарсага кўзимиз тушмади. Ёпиқ омбор эса муҳрланган.

Башарти, тоза қонли Қорабайир зотини олиш бош мақсад экан, биялар “бонитировка” қилингандир, дея сўраймиз ҳамроҳимиздан. Ҳадемай, от заводи фаолият бошлаганига бир йил тўлади, ахир.

Афсуски, ҳалигача бу муҳим тадбир бажарилмаган. Ветеринарнинг тушунтиришича, қиш фасли бошланиб қолгани учун бияларга тамға босиш кўкламга қолдирилибди.

Афтидан, мутахассис “бонитировка” ҳақида етарли маълумотга эга эмас чоғи. Соҳадан хабардор киши яхши биладики, “бонитировка” — бу баҳолашдир. Яъни биялар экстерьер — тана тузилиши бўйича баҳоланади. Бунда типиклиги, қарчиғайининг баландлиги, гавда ва оёғининг болдир қисми айланаси, пуштдорлигига алоҳида аҳамият қаратилади. Масалан, биялар ҳар уч йилда камида 2 марта қулунлаши керак. Бу ҳам майлику-я, наслчилик йўналишидаги от заводида бирорта наслли айғирнинг йўқлигига нима дейсиз? Ваҳолонки, мутахассисларнинг фикрича, 50 бош бия парваришланаётгани айтилаётган бундай муассасада камида бешта айғир бўлиши талаб этилади.

Табиий савол туғилади: унда селекция ишлари қандай амалга оширилмоқда?

Мажмуа раҳбарияти ўтган йили федерация мутахассислари томонидан “Яккабоғ Қорабайир” МЧЖдан наслли айғир танлаб беришганини айтишди.

***Ўзбекистон йилқичилик ва от спорти федерацияси, ўз навбатида, буни инкор этди. Ўтган йили мазкур мажмуага айғир танлаб берилмаганини, жорий йил учун эса айғир танлаш, хусусан, типик Қорабайир зотларини излаб топиш, улар орасидан энг мақбулларини саралаб олиш ишлари энди бошланганини маълум қилди***.

Мажмуа раҳбарияти ҳамма масъулиятни федерацияга ташлагандан кўра, яратилган 40 дан ортиқ иш ўринларига соҳанинг жонкуяр мутахассисларини жалб қилиши мақсадга мувофиқ эмасми?!

Бинобарин, йилқичиликда селекция осон иш эмас. Бу машаққатли меҳнат, кўп йиллик изланишларни талаб қиладиган ўта нозик жараёндир. Дастлабки танлаб олинган биялар устида селекция қилинса, тўртинчи авлодида тип яратилади. Тип ичида чатиштириш ишлари натижаси ўлароқ, яна 4 авлоддан сўнг зот вужудга келиши мумкин. Бунинг учун энг камида 24 йил вақт керак бўларкан.

Катта маблағ эвазига, улкан мақсадлар билан замонавий мажмуа бунёд этилган экан, яратилган шарт-шароитлардан оқилона фойдаланиш зарур. Миллий ифтихоримизга айланган қорабайирнинг тоза қонли зотларини яратиш, ички ва ташқи бозорда харидоргир арғумоқлар етказиб бериш учун эса илмий асосда селекция ишларини олиб бориш талаб қилинади.

Зотан, “Қорабайир” отчилик мажмуаси хўжакўрсинга қурилмаган ахир!

**Саид РАҲМОНОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

Аҳад МУҲАММАДИЕВ
олган суратлар.

Молия муассасаларида

# ТЎРТТА «SPARK», БИТТА «ORLANDO» ЎЗ ЭГАЛАРИГА ТОПШИРИЛДИ



*Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банки анъанавий тарзда пул-буюм ютуқли лотереяларини чиқариб туриши кўпчиликка яхши маълум. Эътиборлиси, шу пайтгача бир қанча юртдошларимиз бу орқали қатор ютуқларни қўлга киритишди. Хусусан, ўтган йилнинг 27 декабрь санасида “Янги йил совғаси” тиражли, пул-буюм ютуқли лотереяси (3-чиқарилиши) ютуқлар тиражи Жиззах вилояти мусиқали драма театри биносида очиқ тарзда ўтказилган эди. Унда республикамизда ишлаб чиқарилган 8 та “Spark” автомобили, 10 миллион, 3 миллион сўмлик ҳамда бошқа кўплаб пул ютуқлари эгалари маълум бўлган эди.*

Яқинда ушбу лотерея натижаларига кўра, яна тўрт нафар омадли юртдошимизга “Spark” автомобилини топширишга бағишланган навбатдаги тадбир бўлиб ўтди. Унда Сирдарё вилоятининг Боёвут туманида истиқомат қилувчи Рустам Шукуров, Фарғона вилоятининг Қўштепа туманида яшовчи Зокиржон Султонов, Андижон вилоятининг Андижон туманидан Запарбек Мусабеков ҳамда Бухоро вилоятининг Ғиждувон туманилик Ихтиёр Бозоровга автомобиллар тантанали равишда топширилди.

Халқ банки томонидан уюштирилган ушбу тиражли, пул-буюм ютуқли лотереяда 2 та разрядда, икки миллионта, жами 4 миллиард сўмлик билет муомалага чиқарилган бўлиб, ўйналган ютуқ фонди суммаси 1 миллиард 979 миллион 556 минг сўмни ташкил этади.

Бундан ташқари, ушбу тираж доирасида Халқ банки томонидан Жиззах вилояти халқ таълими бошқармасига қарашли 32-сонли ёрдамчи интернат мактабига “Damas” автомобили хайрия сифатида берилди. Шунингдек, ушбу мактаб-интернатнинг моддий-техника базасини яхшилаш мақсадида 40 800 000 сўм миқдорида ижтимоий хайрия маблағлари ҳам ажратилди. Қолаверса, Жиззах шаҳридаги 5-сонли ихтисослаштирилган мактабгача таълим муассасасининг моддий-техника базасини кучайтириш учун 51 100 000 сўм миқдорида ижтимоий хайрия маблағлари йўналтирилди.

Жиззах шаҳар ҳокимлигига қарашли “Жиззах фаровонлиги” хайрия жамғармасига 10 дона ногиронлик аравачаси харид қилиш учун 20 миллион сўм миқдорида ижтимоий хайрия қилинди.

АТ Халқ банки томонидан лотерея ўйинларининг бир нечта турлари ўтказилаётганини ҳам алоҳида қайд этиш жоиз. Шулардан бири “Беш карра беш” лаҳзали, пул-буюмли лотереясидир. Ушбу лотереяда ҳам 2 та “Orlando” ҳамда 3 миллиондан ортиқ пул ютуқлари қўйилган бўлиб, кўплаб юртдошларимизга қувонч улашмоқда.

Шу куни “Беш карра беш” лотереясидан “Orlando” соҳибига айланган яна бир омадли юртдошимиз — бекободлик Руслан Капкаевга автомобиль топширилди.

**Банк ахборот хизмати.**

Реклама ўрнида

*Хизматлар лицензияланган.*

ЭЪЛОН

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ**

**кафедралардаги қуйидаги лавозимларга танлов эълон қилади:**

**Фармакогнозия кафедраси бўйича:** доцент — 1 ўрин, катта ўқитувчи — 1 ўрин, ассистент — 1 ўрин.
**Фармацевтика ишини ташкил қилиш кафедраси бўйича:** доцент — 1 ўрин, катта ўқитувчи — 1 ўрин, ассистент — 1 ўрин.
**Ноорганик, физик ва коллоид кимё кафедраси бўйича:** доцент — 1 ўрин, катта ўқитувчи — 1 ўрин.
**Тиббий ва биологик фанлар кафедраси бўйича:** доцент — 1 ўрин, катта ўқитувчи — 1 ўрин, ассистент — 1 ўрин.
**Фармакология ва клиник фармация кафедраси бўйича:** доцент — 1 ўрин, ассистент — 1 ўрин.
**Биотехнология кафедраси бўйича:** кафедра мудири, ассистент — 1 ўрин.
**Токсикологик кимё кафедраси бўйича:** ассистент — 1 ўрин.
**Органик ва биологик кимё кафедраси бўйича:** ассистент — 1 ўрин.
**Фармацевтик кимё кафедраси бўйича:** доцент — 1 ўрин, ассистент — 1 ўрин.
**Дори турлари технологияси кафедраси бўйича:** доцент — 1 ўрин, ассистент — 1 ўрин.
**Дори воситаларининг саноат технологияси кафедраси бўйича:** ассистент — 1 ўрин.
**Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси бўйича:** ассистент — 1 ўрин.
**Физика, математика ва ахборот технологиялари кафедраси бўйича:** доцент — 1 ўрин, катта ўқитувчи — 1 ўрин.
**Тиллар кафедраси бўйича:** катта ўқитувчи — 1 ўрин, ўқитувчи — 1 ўрин.
**Ижтимоий фанлар кафедраси бўйича:** доцент — 1 ўрин, катта ўқитувчи — 1 ўрин, ўқитувчи — 1 ўрин.
**Фармацевтика ишини ташкил қилиш ва фармацевтик технология кафедраси бўйича:** доцент — 1 ўрин.
**Фармакогнозия ва дори воситаларини стандартлаш кафедраси бўйича:** профессор — 1 ўрин.

Танлов Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 февралдаги 20-сонли қарорига мувофиқ, «Олий таълим муассасаларига педагог ходимларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисида»ги Низом талаблари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 25 августдаги 246-сонли «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига педагогик фаолият самарадорлиги ва сифатини ошириш билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори асосида ўтказилади.

*Танловда қатнашиш учун аризалар эълон чоп этилган кундан бошлаб 1 ой ичида қабул қилинади.*

**Манзил: Тошкент шаҳри, Ойбек кўчаси, 45-уй. Телефонлар: 71-256-37-38, 71-256-38-50.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 256. 69 199 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 71-233-52-55;*
*Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — Ш. Ғаффоров.
Мусаҳҳих — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 00.40 Топширилди — 01.55 1 2 3 4 5 6